

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 104 (5. 995) • 1986 йил 6 май, сешанба • Баҳоси 3 тийин.



КПСС XXVII СЪЕЗДИ БЕЛГИЛАГАН ЙЎЛДАН

25 миллион сўмлик маҳсулот

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номиди тиктувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида йил бошидан бери тайёрланб, реализация қилинган маҳсулот

БҲҲҲ

25 миллион сўмликка етди. Бу маҳсулотнинг 300 минг сўмликка яқинини коллектив планга қўшимча тайёрлади. Бу йил Киров районидан бу катта корхона коллектив

ви юксак мажбуриятлар олиб меҳнат қилипти. Бу мажбуриятларда йил давомида планга қўшимча 700 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш, меҳнат унмдорлигини планга қўшимча 1 процент ўстириш, 40 процент маҳсулотини «Н» (Янгилик) индекси билан тайёрлаш, планга қўшимча 90 минг сўмлик фойда олиш кабилар белгиланган. Корхонадаги ҳозирги меҳнат кутаринчилиги коллектив бу ваздаларини ҳеч сўзсиз бакаришидан далолат беришти.

Коллективда КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш учун давом этаётган социалистик мусобақада кийимларга намлик-иссиқлик билан ишлов берадиган 4-цехнинг ишчилари намуна бўлишпти. Бу цехда ҳозирги кунда ҳар кун 2 мингтадан ортқ костюмга ишлов бериляпти. Цехнинг илгор ишчилари З. Ёулдошева, В. Рауданиян, М. Тўлаганова ишчилар ўртасидаги шахсий меҳнат беллашувида пешқадамлар сафида боришпти.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»НИНГ ЎЗ МУХБИРЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИ МУАЛЛИФЛАРИ ЁЗАДИЛАР

Аҳоли хизматида

БҲҲҲ

«Техсложбиприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллектив тўрт ойлик планни муддатидан олдин бажариб, барча хизмат кўрсатиш усуллари бўйича пландан ташқари 36 минг сўмлик хизмат кўрсатди. Бунда бирлашманинг Х. Усмонов, Н. Зарипов, М. Касиев, Г. Левин, И. Жаворов каби пешқадамлари бошқаларга ибрат бўлишти.

Ҳозир корхонада аҳолига 160 хил хизмат кўрсатилмоқда. Бир кунда фақат телефон орқали олинган 600 га яқин буюртма, сутка давомида бажариб беришмоқда. Яқинда Чилонзорнинг 20-кварталда соат, тикув машинаси ва музика асбобларини тўзатиётган янги пункт ишга туширилди.

Фрунзе районидagi Б. Хмельницкий кўчасидаги 85-уйда жойлашган пунктга 55-76-45 рақамли телефон ўрнатилиб, аҳолидан телефон орқали буюртмалар қабул қилина бошлади. Бу билан бирлашманинг шаҳриниш барча районларида ишлаб турган ва ҳамшаҳарларимиздан фақат телефон орқали буюртмалар қабул қилиб оладиган телефонлар сони ўн тага етди.

Йил охирига қадар аҳолига қулайлик туғдириш учун ўнга яқин янги объектлар фойдаланишга топширилади.

Лойиҳа қувватига эришилди

«Ташсельмаш» заводидa қўйилгани қўлланайдиган автоматик линия лойиҳа қувватига эришди. Бу такимилашган ускуна «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари заводдаги ҳамкашблари билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Натижада машинасозлик

корхонасида пугурдан кетган эски машиналарда қўлланайдиган ишга барҳам берилди. Қўл меҳнати кескин қисқарди, иш шариоғи яхшиланди. Қўлгана ишлар механизация воситалари зиммасига юкланди.

Бу ускуна суткасида 800 та қўлдан қўйилма тайёрлайди. Бу аввалгисига нисбатан икки марта кўдир.



СУРАТЛАРДА: Болалар шаҳарчаси бунёд этилмоқда; қурилиш ишларини бошқарётган республика ички ишлар министрлиги қошдаги қў.

рилиш-монтаж бошқармасининг бош инженери Т. Шоюсупов.

Х. Мирзакаримов фотолари.

Самарали изланишлар

Кейинги йилларда студентлар ижодкорлигини кенгайтириш мақсадида Тошкент кишлоқ хўжалиги институтида қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Студентлар илмий-конструкторлик бюроси фаолияти эса катта қўлч етди.

Иқтидорли ишларни ўз афкорида бирлаштирган бу тадқиқотлар марказида бажарилаётган изланишлардан бир нечаси ишлаб чиқариш учун тасвия этилди. Илмий-факультетининг студенти Т. Шамиев яратган «Электролизер» апарати

пилладан юқори ҳосил олиш имконини беради. Бу масала ердимида ҳосил қилинадиган планлаштирилган сув тут барига сеиш орқали ипак қўртнинг ҳосилдорлигини оширишга эришилади.

Олий ўқув юрти ўрмончилик факультети студенти А. Бакировнинг самарали изланиши натижасида ўзига хос касета яратилди. Ушбу масала махсус линиялардан тусилган бўлиб, улар ўғитланган тупроқлар билан тўлдирилади. Уларга ташланган дарахт уруғи ривожни бир

ярим-икки ой мобайнида қузатиб борилади.

Истеъдодли студент амалга оширган бу изланишга институтнинг таксация кафедраси ақиндан ёрдам берди. Тилига олинган ана шу икки ижодкор ёшнинг самарали ишлари республика олий ва ўрта махсус ўқув юрлари студентлар конструкторлик бюрослари ишлаб чиқариш кўрик-конкурсидида ижобий баҳоланди. Ушбу жиддий синова олий ўқув юртидан 20 дан ортқ ижодкорлик намунаси тақдим этилди.

Диққат, янглики!

Болалар шаҳарчаси

Фотоахборот

«Ҳамма яхши нарсалар — болаларга». Бу сўзлар ҳозирги кунда кичкинтой ҳам, шаҳарларимизнинг ҳар бирига яқиндан таниш. Шаҳримиз болакайлари, қизалоқлари яхши нарсаларнинг барчасидан баҳраманд бўлиб, кўнгиллари чоғ, диллари равшан, хушчақчақ ва бахтиёр яшашмоқда.

Шаҳримизда болаларга гамхўрликнинг ифодаси бўлиши кўпгина оддий ва арзирли мисолларни келтириш мумкин. Ахир бир пайтлар оддийгина аргимчоқнинг қанчалар талаш бўлганини ҳозирги кексалар жуда яхши билишди.


Айни пайтда шаҳримизда кичкинтойлар ўйнаб кўнгил

хушлайдиган яна бир шаҳарча барпо этилмоқда. Эски «Туркман бозори», унинг ёнидаги «Маийши хизмат кўрсатиш шаҳарчаси» ўрнида қад ростлайдиган мазкур шаҳарча салкам бир гектар майдонни ишғол этади. Шаҳарча ҳашир йўли билан бунёд этилаётгани сабабли унга Фрунзе районининг қатор идора ва ташкилотлари муносиб уллуш қўшилмоқда.

Биз ташриф буюрган пайтда бу ерда «Центроэлектропроект», «ТашНИИгенплан», «Ўзгипрополдосовощ» лойиҳа институтларининг вакиллари фидойилик кўрсатмоқда эдилар. Шаҳарча лойиҳасини «Ташкилпроект» лойиҳалаш институти мутахассислари тайёрлаб беришган.

Шаҳарча икки зонадан иборат бўлади. Биринчи зона мактабгача ёшдаги болаларга мўлжалланган. Болалар билан бирга бу ерга келадиган ота-оналар учун ҳам ҳордиқ чиқарадиган жойлар яратилади. Шаҳарчанинг маркази доира шаклида бўлади. Бу ерда ертак қаҳрамонларнинг сақланиб аёлбой ҳайкали ўрнатилади. Шунингдек, ўзини майдончалари, кафе, турли муздек ичимликлар ва музқаймоқ билан савдо қилувчи дўкончалар очилади.

Бу ерда шунингдек кўпбал мева ва манзарали дарахтлар, яшил тўсқинлар ўтқазилади. Шаҳарча салқинлигини эса митти фавворачалар таъминлаб туради.



Чет элларда

АХДП Марказий Комитетининг пленуми

КОВУЛ, 5 май. (ТАСС). Бахтар агентлиги Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисидаги ахборотни тарқатди.

1986 йил 4 май кунини Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг 18-плениуми бўлиди, пленум ташкилоти масалаларни кўриб чиқди.

Пленум ўртоқ Бабрар Кармалнинг соғлиғи ёмонлашгани учун АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги илтимосини қовдирди. АХДП Марказий Комитетининг пленуми АХДП Марказий

Комитетининг Бош секретари лавозимидagi кўп йиллик фаолияти учун, Апрель революцияси ишига қўшган ҳиссаси учун ўртоқ Бабрар Кармалга миннатдорчилик изҳор этди ва унинг АХДП Марказий Комитети Сийёсий Бюроси аъзоси ва Афғонистон Демократик Республикаси Революцион Кенгаши Президиумининг Раиси лавозимларидаги фаолиятида мубаффақиятлар тилади.

Пленум АХДП Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ Нажиб Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади.

КОВУЛ, 5 май. (ТАСС). Бахтар агентлиги АХДП Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Нажибнинг АХДП Марказий Комитети 18-плениумида сўзлаган нутқи текстини ёзлов қилди.

Партияни ташкил этиш ва унинг сафларини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолияти учун, Апрель революцияси ишига қўшган хизмати учун ўртоқ Бабрар Кармалга тақдир таъминини ҳурмат туйғусини изҳор этишга ижозат бергасиз, деди Нажиб. Менинг зиммамга, деди у, АХДП Марказий Комитети Бош секретари лавозимига сайланишим муносабати билан катта масъулият юкланган. Винобарин, мен бунини партия томонидан бидирилган юксак ишонч, деб била-

ман. Партия солдати сифатида, Апрель революциясининг идеаллари учун муштарақ қурашдаги ўртоғиниш сифатида сизларни ишонтириш айтмагани, АХДП билан революция мақсадлари ва вазифаларини амалга ошириш ишида қўч-ғайратимни, билимимни аямайман. Мен АХДП Марказий Комитети ва унинг Сийёсий бюроси аъзоларининг коллектив таъинини, иродасига таяниб, АХДП ва давлатнинг ички ҳамда ташқи сийёсати энг асосий принциплари амал қилавераман.

Партия сафлари бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш энг муҳим вазифадир, чунки АХДПнинг кучи, унинг раҳбарлик ва раҳна-

молик роли оширилишининг гарови партия аъзолари фикри-зиқри ва ҳаракатларининг бирлигидир, деди у. АХДП Марказий Комитет 16 ва 17-плениумларининг революцион тузум еоциал негизини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, давлат ишларини бошқаришда жамият барча табақаларининг, Афғонистондаги барча элат ва қабилалар намоёндаларининг актив қатнашувини таъминлаш борасидаги қарорларини муттасил амалга ошираве-ради.

Имperialизм ва реакция мамлакатимизга ҳамда революция ғалабаларига қарши эълон қилинмаган урушнинг авж олдириб юборган бир шароитда партия билан

Замондошимиз



Наргиза Тожиева болаларни яхши қўради. Шунинг учун ҳам у Собир Раҳимов районидagi 16-ўрта мактабни тамомлаганда Тошкент ўйинчоқлар фабрикасида меҳнат қилишни таклиф этишганида, бажонидил рози бўлди.

Уни ветеран ишчи Фая Олтингараева бошлиқ бригадага ишга қўйишти. Ёш ишчи бригаданинг тажрибали ишчилари ғам-хўрлигидa қисқа вақтда ўйинчоқлар тайёрлаш касбини ўрганиб олди. Ўзининг меҳнат-севарлиги, камтарлиги билан каттакичи-нинг ҳурмат эътиборини қозонди.

Бугунги кунда Наргиза Тожиева КПСС XXVII съезди қарорларида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўйича олдинга қўйилган катта вазифаларнинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшишга интилиб, ҳар кун 1000 тага етказиб копток тайёрляпти.

— Мен ўзининг камтарона меҳнатим билан болаларга қувонч улашаётганимдан мамнунман, — дейди ғайратли ишчи. — Чунки кичкинтойлар мамлакатимиз келажиги, эртанги ёрқин ибобилимиздир.

Ғолиблар тақдирланди

Республикаимизда ёшлар ўртасида техника ижодкорлиги йил сайин кенгайиб бормоқда. Истеъдод эгаларининг бундай энг яхши ишлари Тошкентда ташкил этилган ўқувчилар техника ижодкорлиги XIV республика кўргазмасида мубаффақиятли намоёиш қилинди.

Катта экспозиция 20 дан ортқ бўлимдан иборат бўлди. Унда барча областлардан юборилган болалар ижодкорлик намуналари бор эди. Яқинда ана шу кўргазмага яқин асалиб қўйиблар аниқланган. Тошкент шаҳар халқ маорифи Бош бошқармаси кўргазмага намунани ҳозирлик кўргани учун Ўзбекистон ССР Маориф вазирлигининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланди. Шунингдек, ижодкор ёшлар коллективларидан бир нечасига республика Марказий ёш техниклар станцияси дипломилар топширилди.

Ўқувчилар техника ижодкорлигининг навбатдаги республика кўргазмаси 1988 йилда ташкил этилади. Қобилияти болалар учун қанчакам ижодий синов бўладиган мажбур тадбир «Ижод қил, ўйлаб топ ва олға инти!» деган шнор остида амалга оширилади.

Она диёр мадҳи

Кейинги йилларда она диёримиз мадҳ этувчи қатор янги тасвирий санъат асарлари яратилди. Бу ижодий ишга истеъдодли ёш rassomлар ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Ана шундай энг яхши ижод намуналари билан «Ёш rassomлар Ватан ҳақида» номли альбом орқали ақиндан танишиш мумкин.

Масъувадга «Советский художник» нашриёти ақинда чоп этган бу репродукцияли тўпламда серкўёш республикаимиз ёш санъаткорлари томонидан

катта илҳом ва завқ-шавқ билан чизган қатор полотно, картина ва триптихлар ҳам ўз ифодасини топди. Истеъдодли rassom Ж. Умарбековнинг «Туркиб йўллари» деган картинаси альбомдан муносиб ўрин олган.

Шунингдек, ёш ижодкорлардан М. Содиқовнинг «Хроника —82» деган график триптихи, Р. Носировнинг «Қашқадарёликлар» полотноси ҳам альбомга киритилди.

Тошкент—янгича анъаналар шахри

Байрамга чорлаймиз

«Ассалому алайкум, ҳурматли радио тингловчилар! Эшиттиришларимизни бошлаймиз...» Биз Ўзбекистон радиосининг овозини ҳар тонг ана шундай эшитишга одатли қолганимиз. Радиодан «Сўнги ахборот», кечқурун эса Марказий телевидениенинг «Время» телевидение кўрсатувларини сабрсизлик билан кутамиз. В. И. Ленин радиони қозғосиз ва масофасиз газета деб таърифлаган эди. 1926 йилдаёқ Тошкентда тажриба тариқасида радио эшиттиришлар бошланди, орадан бир йил ўтга оммавий радиостанция ишга тушди.

Ўзбекистон пойтахтининг бугунги қиёфасини Ўрта Осиёда энг юксак бўлган 375 метрлик телевизион минара

безаб турибди. Унинг ишга туширилиши билан телевизион кўрсатувлар ва радио-эшиттиришларнинг сифати кескин яхшиланди, техникавий имкониятлар кенг очилди. Радио ва телевидениеда ижодий ва техник ходимларнинг катта сафи меҳнат қилмоқда.

ЭРТАГА

7 май кунини Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўрсаткичи радио кунига бағишлаб ўтказиладиган байрам бу соҳадаги эришган ютуқларининг ўзига хос намоёишига айланади. Унда алоқа, теле ва радио журналистлари, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари қатнашадилар. Ана шу

санага бағишлаб бу ерда «Алоқа соҳасида илмий-техника тараққиёти» кўргазмаси очилади. Унда телевидение ва радио эшиттиришлар тараққиёти ва техникавий тақомиллашуви тўғрисида ҳикоя қилувчи фотосуратлар ва ҳужжатлар кенг ўрин олади.

Байрам қатнашчиларини Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси ижодий коллективлари ҳамда солистарлар, қизқарли концерт программаси, радио журналистлари билан узрашувлар кутмоқда.

Китоб савдоси ҳодимлари бу байрамда сийёсий-техникавий ва бадий адабиётлар савдосини ташкил этадилар. Шундай қилиб, Радио кунига бағишлаб ўтказиладиган байрамга марҳамат!

малнинг АХДП Марказий Комитетига мурожаатномаси текстини ҳам тарқатди. Б. Кармал партиянинг раҳбарлик органига ваъда бериб, АХДП Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, АДР Революцион Кенгаши Президиумининг Раиси лавозимидa ишлаб, ўзининг буюклиги, ғайрат-шижоатини, тақдирбемни тинчлиги, меҳнаткаш афғон халқининг бахт-саодати учун қурашга, революцион Афғонистонда янги жамият қурилиши ишига, партия бирлигини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш ва Апрель революциясининг узил-кесил ғалабасига бағишлайман, де-ди.

